

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛЯМОВА ШАХНОЗА КАХРАМОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ СЕМАНТИК АНАЛИЗАТОРИНИНГ ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Гулямова Шахноза Кахрамоновна

Ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асослари.....3

Гулямова Шахноза Кахрамоновна

Лингвистические основы семантического анализатора узбекского языка.....37

Gulyamova Shakhnoza Kakhramonovna

Linguistic foundations of the semantic analyzer of the Uzbek language.....73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....77

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛЯМОВА ШАХНОЗА КАХРАМОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ СЕМАНТИК АНАЛИЗАТОРИНИНГ ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ

10.00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В1021.1.DSc/FIL315** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот тилим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Меиглиев Бахтиёр Ражабович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Саментова Луиза Хамидовна филология фанлари доктори, профессор Улуҳов Носиржон Мухаммадалиевич филология фанлари доктори, профессор Шахабиддинова Шохида Ханимовна филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc 03.30.12.2019 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «1» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373) 244-44-02; факс: (99871) 281-42-44.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (150 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373) 244-44-02; факс: (9 9871) 281-42-44.

Диссертация автореферати 2022 йил 8 «феврал» кунин тарқатилди.
(2022 йил «9» «феврал» даги рақамли реестр баённомаси). «44»



Ш.М.Искаждарова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,
профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.и. доцент

А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида 1930-1940 йилларда амалий тилшунослик, энг аввало, чет тилини ўқитиш жараёни, уни ўқитиш методикаси грамматиканинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаш орқали тушунилган. Россияда 1950 йиллардан бошлаб амалий тилшунослик компьютер технологиялари ва автоматик ахборотни қайта ишлаш тизимлари билан боғланган. 1960 йилларда махсус илмий йўналиш сифатида шаклланган амалий тилшунослик тилдан фойдаланишнинг амалий масалаларини ечишга қаратилган. Жумладан, жаҳон тилшунослигида XX асрнинг 60 йилларида пайдо бўлган корпус тилшунослиги нутқ амалиёти учун янги методологик асосни, тадқиқотнинг устувор йўналишларини яратди. Тил корпуси ва у билан боғлиқ бўлган фан, яъни корпус лингвистикаси XX асрнинг охири XXI аср бошида тилшунослик ва тил ўқитиш методикасига шиддат билан кириб келган янги йўналишдир. Тил корпусини яратиш ҳамда корпус лингвистикасини ривожлантириш тилшунослик, тил ўқитиш методикаси соҳаларидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тил фаолиятининг замонавий шартлари нафақат нутқ намуналарини, балки алоҳида хронологик ҳолатлар, нутқ амалиётини тизимлаштиришни ўрганишни ўз ичига олади.

Дунё тилшунослигида XIX аср охири XX асрнинг бошларида корпуслар лингвистик тадқиқотлар ўтказиш ёки кўпинча амалий муаммоларни ечиш учун (масалан, тил бирликларининг частотасини ҳисоблаш учун) яратила бошланди. Корпус тилшунослиги учун компьютерларнинг ихтиро қилиниши ва кенг қўлланилиши билан ривожланишнинг янги босқичи бошланиб, яратилган корпуслар мавжудларидан нафақат сақлаш форматида, балки ҳажмларида ҳам фарқ қилишини таҳлил этиш долзарб масалага айланди. Компьютер лингвистикаси соҳасида турли мақсадли корпуслар яратиш, мавжуд корпусларни мукамаллаштириш, бойитиш, кенгайтириш кабилар ечимини кутаётган масалалардан биридир. Компьютер лингвистикасини компьютер воситаларидан фойдаланиш соҳаси сифатида дастурлар, маълумотларни қайта ишлаш технологияларини ташкил этиш ва муайян шароитларда тил фаолиятини моделлаштириш учун, шунингдек, тилшуносликда тилнинг компьютер моделлари ва унга оид фанлар доирасида қўллаш мумкин. Тил жуда мураккаб таълим бўлганлиги туфайли компьютер тилшунослигида автоматик матн таҳлили; автоматик матн синтези; автоматик луғатларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш; автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимларини яратиш; машина таржимаси; автоматик тил ўрганиш тизимларини яратиш; лингвистик маълумотлар базаларини яратиш; назарий ва амалий тилшунослик масалаларини ечишнинг дастурий воситаларини ишлаб чиқиш каби турли йўналишлар ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида компьютер ва корпус лингвистикаси бўйича санокли тадқиқотлар амалга оширилган. Бинобарин, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз

миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий кадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий. Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш”¹ мақсадида корпус лингвистикаси истиқболли илмий йўналиш сифатида унинг назарий муаммоларини ечишни тақозо этади. Бу эса фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири – ўзбек тили бирликлари автоматик таҳлилида омонимлик, кўп маънолилиқ ва полифункционалликни фарқлашнинг лингвистик асосларини яратишни кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада риволантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.xabar.uz

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жаҳон тилшунослигида автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари лингвистик таъминотини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларда, жумладан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), Boston University, University of New York, University of Pennsylvania, University of California (АҚШ); Indiana University (АҚШ), The University of Sorbonne (Франция), Упсалла университети (Швеция), Kiofo University (Япония), Australian National University (Австралия), Истамбул техника университети (Туркия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Урал давлат педагогика университети, Харьков давлат педагогика университети (Украина), Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон), Татаристон Республика Фанлар академияси амалий тилшунослик ва семиотика институти (Татаристон Республикаси, Россия), Қозон федерал университети (Татаристон Республикаси, Россия), В.Вернадский номидаги Таврия академияси Қрим федерал университети (Қрим Республикаси, Россия), Қирғизистон давлат техника университети (Қирғизистон давлат техника университети) шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида ахборот-қидирув тизимида семантик анализаторнинг ўрни, матнга автоматик ишлов бериш, матннинг автоматик анализ/синтез дастурлари, семантик анализаторлар тадқиқига оид олиб борилган изланишлардан қуйидаги илмий натижалар олинган: лингвистик анализатор тушунчаси, унинг турлари тавсифланган, семантик анализ ва синтезнинг матннинг автоматик таҳлилидаги аҳамияти ёритилган (Boston University, New York University, АҚШ; Уральский федеральный Университет, Россия); лингвистик парсер, синтактик парсернинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш усуллари аниқланган (Уральский федеральный университет, Россия); матнга автоматик ишлов бериш технологиялари ўрганилган (University of Tokyo, Япония, Australian National University, Австралия, Oxford University Language Centre, Англия); Морфо-Анализатор, СегмМорф, Линтез, Пси-Ан каби таҳлил тизимларининг асослари ишлаб чиқилган (Харьков давлат педагогика университети, Украина; Қозон федерал университети (Россия, Татаристон Республикаси); матнга автоматик морфологик ва синтактик ишлов бериш модели ва дастурлари (Харьков давлат педагогика университети, Украина; Baki Dövlət universiteti,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи google.scholar.com., cheloveknauka.com, dslib.net, reseachgate. www.kaznu.kz, bloomsbury.com, www.utexas.edu, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.bu.edu, americanenglish.state.gov, micros.uz, www.uv.es, www.zora.uzh.ch, cleo@snu.ac.kr, www.ras.ru, adwww.ecu.edu.au, www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities, www.navoiy-uni.uz.

Озарбайжон); туркий тиллар компьютер лингвистикасида табиий тилнинг компьютер ишлови, синтактик-семантик анализатор тузиш масалалари тадқиқ қилинган (Татаристон Республика Фанлар академияси амалий тилшунослик ва семиотика институти, Қозон федерал университети (Россия, Татаристон Республикаси), В.Вернадский номидаги Таврия академияси Қрим федерал университети (Россия, Қрим Республикаси), ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти, ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари ва унинг лингвистик таъминоти, ўзбек тили бирликларини графематик таҳлил қилиш муаммолари, тил корпусининг лингвистик базасини тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган; ўзбек тили атов бирликларини семантик теглашнинг назарий асослари, ўзбек-инглиз параллел корпуси инструментарийларини тузиш асослари, ўзбек тили таълимий корпусини тузишнинг лингвистик асослари, ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш, ўзбек тили морфоанализатори ва унинг лингвистик таъминотини яратиш масаласи ишлаб чиқилган (Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ, Ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, ТерДУ, БухДУ).

Жаҳон тилшунослигида табиий тилга автоматик ишлов бериш, анализаторлар яратиш бўйича, жумладан, ахборот-қидирув тизими таҳлил дастурлари, замонавий ахборот технологиялари воситаларида ишлов беришни йўлга қўйиш учун тил корпуслари, семантик анализатор ҳамда уларнинг лингвистик асосларини яратиш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё компьютер тилшунослигида семантик анализ ва анализатор борасида бир қатор олимлар илмий изланиш олиб боришган. А.В.Тузов, М.В.Мозговой, А.В.Сокирко, Н.А.Счлаефер, А.В.Мочалова, Д.Ш.Сулейманов, А.Р.Гатиатуллин, Б.Ергеш, А.Шарипбай, Г.Бекманова, С.Липницки, Е.А.Каневский, К.К.Боярский³ каби

³ Тузов, В.А. Компьютерная семантика русского языка / В.А. Тузов. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2004. – 400 с.; Мозговой, М.В. Простая вопросно-ответная система на основе семантического анализатора русского языка / М.В. Мозговой // Вестник СПб университета. – 2005. – сер. 10. – вып. 1. – С. 116–122; Сокирко, А.В. Семантические словари в автоматической обработке текста (по материалам системы ДИАЛИНГ): дис. ... канд. техн. наук: 05.13.17 / Сокирко Алексей Викторович. – М., 2001. – 120 с.; Schlaefer, N. A Semantic Approach to Question Answering / N. Schlaefer . – Paperback, 2007. – 96 p.; Мочалова, А.В. Алгоритм семантического анализа текста, основанный на базовых семантических шаблонах с удалением / А.В. Мочалова // Научно-технический вестник информационных технологий, механики и оптики. – 2014.– № 5. – С. 126 –132.; Mathematical model of an ontological-semantic analyzer using basic ontological-semantic patterns / A.V.Mochalova, V.A.Mochalov // Lecture Notes in Artificial Intelligence, Proceedings of 15th Mexican International Conference on Artificial Intelligence. – 2016. – P. 53–66.; Семантический анализ. Некоторые проблемы автоматической обработки текста / А.В.Мочалова, В.П.Захаров, В.А.Кузнецов, В.А.Мочалов. – Петрозаводск: ПИН, 2016. – 60 с.; Семантический анализатор русскоязычного текста для вопросно-ответной системы // ДИССЕРТАЦИЯ на соискание ученой степени кандидата технических наук. – Петрозаводск, 2017. – 128 с.; Сулейманов Д.Ш., Гатиатуллин А.Р. Структурно-функциональная компьютерная модель татарских морфем. — Казань, 2003. — 220 с. – С. 152.; Yergesh B, Sharipbay A, Bekmanova G, Lipnitskii S. Sentiment analysis of kazakh phrases based on morphological rules // Известия Кыргызский государственный технический университет, теоретический и прикладной научно-технический журнал 2016 № 2(38). – С. 39-43.; Каневский Е.А., Боярский К.К. Семантико-синтаксический анализатор SemSin // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии. 2012; Боярский К.К., Каневский Е.А. Предсинтаксический модуль в анализаторе SemSin // Интернет и современное общество. Санкт-Петербург, 2013. С. 280–286.

олимпларнинг тадқиқотларини ана шундай ишлар сифатида қайд этиш мумкин.

Жаҳон ва туркий тилшуносликда морфологик/синтактик анализатор тузиш масалалари кенг тадқиқ этилган. Жумладан, А.В.Дыбо, А.К.Асирян, А.В.Шеймович, А.Р.Гатиатуллин, А.М.Баширов, П.В.Желтов, Н.А.Исраилова, П.С.Бакасова, М.Г.Мальковский, А.С.Старостин, Д.Н.Ёунгер, Е.А.Каневский, Н.В.Колпакова, Н.А.Исраилова, П.С.Бакасова, С.Бирд, Э.Клеин, Э.Лопер, М.Коробов, А.Д.Москвина, Д.Орлова, П.В.Паничева, О.А.Митрофанова, О.Н.Ляшевская, И.Астафьева, А.Бонч-Осмоловская, А.Гарейшина, Ю.Гришина, В.Дьячков, М.Ионов, А.Королева, М.Кудринский, А.Литягина, Е.Лучина, Е.Сидорова, С.Толдова, С.Савчук, С.Коваль ва К.К.Боярский каби бир қатор олимплар тадқиқотида батафсил ёритилган⁴.

Корпус лингвистикасида омонимлик муаммосини ечиш, омоним бирликларни теглаш ва матнни автоматик ўқиш жараёнида омонимияни бартараф этиш масаласи (“снятие омонимии”)га оид қатор тадқиқотлар вужудга келган. Жумладан, Г.И.Кустова, О.Н.Ляшевская, Е.В.Падучева,

⁴ Асирян А.К. Сравнение инструментов морфологической разметки / Intellectual potential of the XXI century 2017 / <http://www.sworld.education>; Дыбо А.В., Шеймович А.В. Автоматический морфологический анализ для корпусов тюркских языков // Филология и культура. Philology and culture. 2014. №2(36). – С. 20-26.; Гатиатуллин А.Р., Баширов А.М. Морфологический анализатор тюркских словоформ на базе структурнофункциональной модели тюркской морфемы // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang 2017». –Казань, 2017. – 327 с.; Гатиатуллин А. Р., Баширов А.М., Осипов Г.С., Смирнов И.В., Шелманов А.О. Методы лингвистического анализа текстов на татарском языке и их применение в поисковой системе Eхactus // Труды ИСА РАН. Том 66. 1/2016. – 18-25 с.; Желтов П.В. Разработка морфологического анализатора чувашского языка // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang 2017». – Казань, 2017. – 327 с.; Желтов П.В. Создание национального корпуса чувашского языка: проблемы и перспективы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 1-1.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=19046> (дата обращения: 18.01.2021); Исраилова Н.А., Бакасова П.С. Морфологический анализатор кыргызского языка // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang 2017». – Казань, 2017. – 327 с.; Мальковский М.Г., Старостин А.С. Модель синтаксиса в системе морфо-синтаксического анализа «TREEON» // Тр. междунар. Конф. Диалог 2006. – М., 2006. – С. 481-492.; Younger D.H. Recognition and parsing of context-free languages in time n3. Information and Control 10 (2). – P.189-208.; Каневский Е.А., Колпакова Н.В. К вопросу построения морфологического анализатора // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии. 1999. Т. 2. С. 98–106; Исраилова Н.А., Бакасова П.С. Морфологический анализатор кыргызского языка // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang 2017». – Труды конференции. В 2-х томах. Т 2. – Казань: Издательство Академии наук Республики Татарстан, 2017. – 327 с.; Bird S., Klein E., Loper E. Natural Language Processing with Python: Analyzing Text with the Natural Language Toolkit. Beijing, 2009.; Korobov M. Morphological Analyzer and Generator for Russian and Ukrainian Languages // Analysis of Images, Social Networks and Texts: 4th International Conference, AIST 2015, Yekaterinburg, Russia, April 9–11, 2015. Communications in Computer and Information Science, Springer, 2015. P. 320–332.; Москвина А.Д., Орлова Д., Паничева П.В., Митрофанова О.А. Разработка ядра синтаксического анализатора для русского языка на основе библиотек NLTK // Компьютерная лингвистика и вычислительные онтологии. Труды XIX Международной объединенной научной конференции «Интернет и современное общество», Санкт-Петербург, 22–24 июня 2016 г. СПб, 2016. С. 44–54.; Ляшевская О.Н., Астафьева И., Бонч-Осмоловская А., Гарейшина А., Гришина Ю., Дьячков В., Ионов М., Королева А., Кудринский М., Литягина А., Лучина Е., Сидорова Е., Толдова С., Савчук С., Коваль С. Оценка методов автоматического анализа текста: морфологические парсеры русского языка // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии. 2010. № 9 (16). С. 318–326; Каневский Е.А., Боярский К.К. Морфолого-лексический анализатор и классификация текста // Прикладная лингвистика в науке и образовании. Материалы V международной научно-практической конференции. Санкт-Петербург, 2010. С. 157–163.

Е.В.Рахилина, Б.П.Кобрицов, Т.И.Резникова⁵, Б.П.Кобрицов⁶, В.В.Куканова⁷, А.А.Кретов⁸лар шу масалалар ечимига бағишланган қатор ишларни эълон қилишган.

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш борасида М.Маҳмудов, М.Айимбетов, С.Каримов, Г.Жуманазарова, А.Бабанаров, Д.Ўринбоева, А.Норов, С.Муҳаммедов, Н.Абдурахмоноваларнинг тадқиқотлари мавжуд⁹.

Ўзбек тили семантик анализаторини тузиш махсус тадқиқот предмети бўлмаган. Аммо ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш¹⁰, ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти¹¹, ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари¹², ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи

⁵Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Падучева Е.В., Рахилина Е.В. Семантическая разметка лексики в Национальном корпусе русского языка: принципы, проблемы, перспективы // Национальный корпус русского языка: 2003-2005. Результаты и перспективы. М.: Индрик, 2005. – С. 155-174.; Ляшевская О.Н. Топологические классы имен в семантической разметке Национального корпуса русского языка // Труды международной конференции «Корпусная лингвистика-2008» (Санкт-Петербург, 6-10 октября 2008 г.). СПб.: С.-Петербургский гос. университет, Факультет филологии и искусств, 2008. – С. 276-284.; Рахилина Е.В., Кобрицов Б.П., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Шеманаева О.Ю. Многозначность как прикладная проблема: семантическая разметка в Национальном корпусе русского языка // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды международной конференции «Диалог-2006». – М., 2006. – С. 445-450; Рахилина Е.В., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Резникова Т.И., Шеманова О.Ю. Задачи и принципы семантической разметки лексики в НКРЯ // Национальный корпус русского языка: 2006-2008. Новые результаты и перспективы / отв. ред. В.А.Плунгян. СПб.: Не-стор-История, 2009. – С.215-239.; Ляшевская О.Н. Топологические классы имен в семантической разметке Национального корпуса русского языка // Труды международной конференции «Корпусная лингвистика-2008» (Санкт-Петербург, 6-10 октября 2008 г.). СПб.: С.-Петербургский гос. университет, Факультет филологии и искусств, 2008. – С. 276-284.

⁶ Кобрицов Б.П. Модели многозначности русской предметной лексики: глобальные и локальные правила разрешения омонимии. Автореф. канд. филол. наук.– М.: РГГУ, 2004.; Кобрицов Б.П., Ляшевская О.Н., Шеманаева О.Ю. Поверхностные фильтры для разрешения семантической омонимии в текстовом корпусе // Кобозева И.М., Нариньяни А.С., Селегей В.П. (ред.), Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды международной конференции Диалог'2005. – М., 2005.

⁷ Куканова В.В. Принципы семантической разметки национального корпуса калмыцкого языка // http://kalmcorpورا.ru/sites/default/files/kukanova_25.pdf

⁸ Кретов А.А. Анализ семантических помет в НКРЯ // <http://ruscorpора.ru/sbornik2008/11.pdf>

⁹ Маҳмудов М.А., Пиотровская А.А., Садыков Т. Система машинного анализа и синтеза тюркской словоформы // Переработка текста методами инженерной лингвистики. – Минск, 1982.; Муҳаммедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 1980.; Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Л., 1981.; Айимбетов М.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 1987.; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. Частотали луғат. Терс луғат. – Тошкент, 2007.; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Фил. фан. док. дисс...автореф. – Тошкент, 2008.; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011.; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б.; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Фил. фан. док. дисс...автореф. – Тошкент, 2017.; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2010.; Ўринбаева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: фил. фан. док. дисс. автореф. – Самарқанд, 2019.– 74 б.

¹⁰ Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2006.

¹¹ Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018. – 52 б.

¹² Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)...диссер. – Қарши, 2018. – 250 б.

дастурнинг лингвистик модуллари¹³, тил корпуси лингвистик базасини тузиш тамойиллари¹⁴, ўзбек тили атов бирликларини семантик теглашнинг лингвистик асослари¹⁵, ўзбек тили таълимий корпусини тузишнинг лингвистик асослари¹⁶, ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш¹⁷ монографик планда ўрганилган. Шунингдек, ўзбек-инглиз параллел корпуси тузиш муаммолари¹⁸, ўзбек тилидаги отларни автоматик таҳлил қилиш¹⁹, сўз ясалишининг формал моделлари²⁰, корпус лингвистикасида полисемия²¹ ҳақида қатор мақолалар нашр этилган. Ўзбек тилида автоматик морфологик таҳлилни айрим масалалари ёритилган ишлар мавжуд²². Ш.Ҳамроева томонидан эса ўзбек тили морфоанализатори ва унинг лингвистик таъминотини яратиш масаласи тадқиқот объекти сифатида ўрганилган²³.

Бу ишлар компьютер лингвистикаси йўналишидаги бир қатор муаммоларни тадқиқ этганлиги билан аҳамиятли. Аммо ўзбек тили автоматик семантик таҳлил дастури – семантик анализатор ва унинг лингвистик асослари масаласи махсус ўрганилмаган. Диссертацияни ёзиш жараёнида юқорида санаб ўтилган илмий тадқиқотлар пухта ўрганилди ва улардан тадқиқотда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетининг “Ўзбек тили имкониятларидан самарали

¹³ Абжалова М.А. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (Расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун): Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...диссер. – Фарғона, 2019. – 164 б.; Абжалова М. Матнларга автолингвистик ишлов бериш тизимлари // Шестая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang-2018». (Труды конференции) – Ташкент, 2018. – 320 с.

¹⁴ Эшмўминов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...диссер. – Қарши, 2019. – 140 б.

¹⁵ Ахмедова Д.Б. Атов бирликларини ўзбек тили корпуслари учун лексик - семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари: Филол. фан. Бўйича фал. доктори (PhD) диссертацияси. – Бухоро, 2020. – 247 б.

¹⁶ Холиёров Ў. Ўзбек тили таълимий корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. фан. бўйича фал. док-ри. дисс. автореф. – Термиз, 2021. – Б. 16. – 52 б.

¹⁷ Бегматова Г. Ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратиш. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис.автореф. – Термиз, 2021. – 48 б.

¹⁸ Karimov R., Mengliev B. Theoretical fundamentals of uzbek-english parallel corpus / Journal of critical reviews. ISSN- 2394-5125. – VOL 7, ISSUE 17, 2020. – P. 73-76.; Karimov R.A., Mengliev B.R. The Role of the Parallel Corpus in Linguistics, the Importance and the Possibilities of Interpretation International Journal of engineering and Advanced Technology (IJEAT). ISSN: 2249 – 8958, Volume-8, Issue-5S3 July 2019. – P. 388-391.

¹⁹ Орхун М. Computational analysis of uzbek nouns / Шестая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang-2018». (Труды конференции) – Ташкент, 2018. – 320 с.

²⁰ Турсунов А. Вопросы словообразования в формальных моделях тюркских языков (на примере узбекского языка) // Шестая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang-2018». Труды конференции) – Ташкент, 2018. – 320 с.

²¹ Абдурахмонова М., Рахманова А. Корпус лингвистикасида полисемия // “Компьютер лингвистикаси: муаммолар, ечим, истиқболлар” Республика I илмий-техникавий конференция. – Vol. 1 №. 01 (2021).

²² Абдурахмонова Н. Automatic morphological analyze for English-Uzbek system // Известия Кыргызский государственный технический университет им. И.Раззакова. Теоретический и прикладной научно-технический журнал. № 2 (38) – Бишкек, 2016. – С. 12-18.

²³ Ҳамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. Филология фан. д-ри. дисс. ав-ти. – Фарғона, 2021. – 76 б.

фойдаланишнинг лингвистик ва дидактик муаммолари” концепциясига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мақсади ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асосларини яратишдан иборат.

Диссертациянинг вазифалари:

лингвистик анализаторнинг умумий тавсифи, турлари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамиятини ўрганиш;

семантик анализ ва синтезнинг матннинг автоматик таҳлилидаги аҳамиятини ёритиш;

семантик анализаторнинг ахборот-қидирув тизимидаги ўрнини аниқлаш;

ахборот-қидирув тизимида омонимия, полисемия ва полифункционал сўзларни фарқлашнинг лингвистик асосларини аниқлаш;

омонимияни фарқлаш/бартараф этиш масаласини тадқиқ этиш;

полифункционал ва кўп маъноли сўзларни корпусда бартараф этиш учун филтър ишлаб чиқиш;

ўзбек тили семантик анализатори учун омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асосларини ташкил этадиган омоним, полифункционал ва полисемантик сўзлар танланган.

Тадқиқот предметини лингвистик асос яратишда аҳмиятли бўлган омоним, полифункционал ва полисемантик сўзларни лингвистик моделлаштириш ҳамда системалаштириш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, статистик, моделлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лингвистик анализаторнинг ахборот-қидирув тизимидаги табиий тилни қайта ишлаш жараёнида намоён бўладиган сўзнинг морфологик, синтактик ва семантик хусусиятларини ифодалашни аниқланиб, семантик анализ ва синтез натижасида матн маълумотлари компьютер тушунадиган лексик-морфологик, синтактик ва семантик ҳодисага айланиши далилланган;

ўзбек тили бирликлари автоматик таҳлилида омонимлик, полифункционаллик ва кўп маънолиликни фарқлашнинг морфологик, синтактик лингвистик асослари яратилиб, от ва феъл орасидаги омонимликда морфологик, сифат ва феъл орасидаги омонимликда морфологик-синтактик, фақат от ва фақат феъл туркуми доирасидаги омонимликда синтактик-морфологик, фақат сифат туркуми доирасидаги омонимликда синтактик, турли туркум доирасидаги омонимликда эса морфологик, синтактик, морфологик-синтактик ва синтактик-морфологик омил етакчилик қилиши аниқланган;

тилдаги омонимлик, полифункционаллик ва кўп маънолиликни тўлиқ бартараф этиш учун фақат соф семантик филтърлар иш бермаслиги, бунда морфо-семантик, синтактик-семантик филтърлар ҳам муҳим аҳамият касб

этиши лингвистик омил асосида аниқланиб, омонимлик, полифункционаллик ва кўп маънолилиқни фарқлаш учун хизмат қиладиган энг зарурий восита – семантик, морфологик, морфо-семантик филтър ишлаб чиқилган;

лингвистик моделлаштиришда сўз семантикаси билан ишлаш анча мураккаб жараён эканлиги, изоҳли луғатда айрим сўзлар маъносининг берилишида чалкашлиқлар ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўзбек тили семантик анализатори учун омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзлар қуршови дастурий таъминотининг лингвистик жиҳатлари моделлаштирилган;

ўзбек тили семантик анализатори учун омоним сўзлар асосий лингвистик таъминот ҳисобланиб, корпусда омонимлар муаммосини ечиш, омонимияни бартараф этиш учун омоним сўзлар маълумотлар базасини шакллантириш учун тилда мавжуд бўлган омонимларни алифбо тартибида изоҳи билан бериш, морфологик йўл билан фарқланадиган омонимлар учун қўшимчалар комбинациясини ишлаб чиқиш, ўнг ва сўнг бирикувчилар билан фарқланадиган омонимлар учун синтактик филтър базасини яратиш, яратилган филтър базаси асосида омонимларнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқиш, лингвистик моделлар орқали математик моделлар яратиш каби семантик анализаторлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лингвистик анализаторнинг умумий тавсифи, турлари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамияти, семантик анализ ва синтезнинг матннинг автоматик таҳлилидаги ўрни далилланган;

семантик анализаторнинг ахборот-қидирув тизимидаги ўрни, жумладан, сўзнинг тўғри маъносини танлаш ва танланган маъноларни мустақил семантик изоҳга эга бўлган сўзларга боғлаш каби вазифалар аниқланган;

ахборот-қидирув тизимида омонимия, полисемия ва полифункционал сўзларни фарқлашнинг морфологик, синтактик омиллари аниқланиб, лингвистик асослари яратилган;

корпусда омонимия, полифункционал ва кўп маъноли сўзларни фарқлаш/бартараф этиш учун морфологик, морфо-семантик, морфо-синтактик филтърлар ишлаб чиқилган.

семантик анализатор учун омоним, полифункционал ва полисемантик сўзлар қуршови дастурлаш учун лингвистик моделлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик асосларини ишлаб чиқишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ўзбек тили семантик анализатори яратишнинг назарий асослари ва унинг лингвистик асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси ҳамда амалий тилшунослик фанлари ўқитилиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда манба вазифасини ўташи, ўзбек тили семантик анализаторини ишлаб чиқишда, ўзбек тилида турли типдаги корпусларни семантик теглашда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Семантик анализаторнинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамияти, ахборот-қидирув тизимида омоним, полифункционал ҳамда кўп маъноли сўзларни фарқлашнинг лингвистик асослари, ўзбек тили семантик анализатори учун омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш масалалари натижаларидан:

ўзбек тили семантик анализатори учун омоним сўзлар асосий лингвистик таъминот ҳисобланиб, корпусда омонимлар муаммосини ечиш, омонимияни бартараф этиш учун омоним сўзлар маълумотлар базасини шакллантириш муҳим масала бўлиб, бунинг учун тилда мавжуд бўлган омонимларни алифбо тартибида изоҳи билан бериш (1); морфологик йўл билан фарқланадиган омонимлар учун қўшимчалар комбинациясини ишлаб чиқиш (2); ўнг ва сўл бирикувчилар билан фарқланадиган омонимлар учун синтактик филтър базасини яратиш (3); яратилган филтър базаси асосида омонимларнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқиш (4); лингвистик моделлар орқали математик моделлар яратиш (5) каби семантик анализаторлар юзасидан тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 октябрдаги 17.01/265-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги қорақалпоқ тилида сўз ясалиш моделлари мукамаллаштирилган; қорақалпоқ тилидаги омоним, полисемия ва полифункционал сўз маъноларини автоматик фарқлаш тамойиллари ишлаб чиқилган;

лингвистик анализаторнинг ахборот-қидирув тизимида табиий тилни қайта ишлаш жараёнида намоён бўладиган сўзнинг морфологик, синтактик ва семантик хусусиятларини ифодалашни аниқланиб, семантик анализ ва синтез натижасида матн маълумотлари компьютер тушунадиган лексик-морфологик, синтактик ва семантик ҳодисага айланишига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 октябрдаги 17.01/265-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоқ нақл-мақолларининг лингвистик моҳиятини

аниқлашда ахборот-қидирув тизимида бу бирликларни кенг қўллаш тамойиллари ишлаб чиқилган;

ўзбек тили бирликлари автоматик таҳлилида омонимлик, полифункционаллик ва кўп маънолиликни фарқлашнинг морфологик, синтактик лингвистик асослари яратилиб, от ва феъл орасидаги омонимликда морфологик, сифат ва феъл орасидаги омонимликда морфологик-синтактик, фақат от ва фақат феъл туркуми доирасидаги омонимликда синтактик-морфологик, фақат сифат туркуми доирасидаги омонимликда синтактик, турли туркум доирасидаги омонимликда эса морфологик, синтактик, морфологик-синтактик ва синтактик-морфологик омил етакчилик қилиши хусусидаги натижаларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган I-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 23 октябрдаги 04/1-1995-сон маълумотномаси). Натижада инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвирида омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзлар ўрни ва ролини ёритишга, ўзбек ва инглиз тилларидаги омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзларнинг семантик ва структур хусусиятларини очиқ беришга эришилган;

тилдаги омонимлик, полифункционаллик ва кўп маънолиликни тўлиқ бартараф этиш учун фақат соф семантик филтрлар иш бермаслиги, бунинг учун морфо-семантик, синтактик-семантик филтрлар ҳам муҳим аҳамият касб этиши лингвистик омил асосида аниқланиб, омонимлик, полифункционаллик ва кўп маънолиликни фарқлаш учун хизмат қиладиган энг зарурий восита – семантик, морфологик, морфо-семантик филтр хусусидаги хулосалардан 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигининг “Лексика, лексик-семантик сатҳ ва лексикология” деб номланган 11-параграфи ҳамда “Ўзбек тили лексикаси таснифи” деб номланган 18-параграфини ёзишда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 20 октябрдаги 04/1-1975-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек луғатчилигига доир фикрларни билдиришда корпусда йиғилган омоним, кўп маъноли ва полифункционал сўзлар ҳамда уларнинг филтри, лингвистик модели нафақат лексикология, балки семантик анализаторнинг лингвистик асослари тилшуносликнинг морфология ва синтаксис сингари йўналишларига бой илмий манба бўла олиши хусусидаги хулосалар мукамаллашган;

лингвистик моделлаштиришда сўз семантикаси билан ишлаш анча мураккаб жараён эканлиги, изоҳли луғатда айрим сўзлар маъносининг берилишида чалкашликлар ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўзбек тили семантик анализатори учун омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзлар қуршови дастурий таъминот алгоритми лингвистик жиҳатлари

ҳақидаги хулосалардан Бухоро вилояти телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг “Ассалом, Бухоро!”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Адабий муҳит” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 октябрдаги № 1/267-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий асосланганлиги, оммабоплиги ва томошабинбоплигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, тил маданиятини шакллантириш ҳамда замонавий ахборот тизимида ўзбек тилининг имкониятларидан фойдаланиш ҳақидаги хулосалар мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро, 10 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган ҳамда куйидаги профилларда ҳаволага эришилган: <https://orcid.org/0000-0002-2045-1912>, <https://www.researchgate.net/profile/Shahnoza-Gulyamova>, <https://scholar.google.com/citations>.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 49 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, улардан 5 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ҳажми 236 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Семантик анализаторга доир назарий масалалар**” деб номланган. Бобнинг “Лингвистик анализатор тушунчаси, унинг турлари ва тавсифи” номли биринчи бўлимида лингвистик анализаторнинг умумий масалалари, лингвистик анализатор турлари, дунё ва ўзбек компьютер тилшунослигида анализатор тадқиқи масалалари таҳлил этилган. Фойдаланувчилар интернет тармоқларидаги маълумотдан турли мақсадда фойдаланишади. Одатда, ахборот объекти деб аталадиган аниқ маълумот керак бўлади. Бу объектлар турли типларга бўлиниб, айрим тоифаларидаги фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотади. Табиий тилдаги матнлар оқимида бу объектларни қидириш кўп вақтни талаб этади, бу эса аниқ дастурий муаммоларни ҳал қилишни секинлаштиради. Матнларни бир

тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, турли тилларни деконвертлаш, компьютер дарсликлари, белгили матн корпорацияси, матнларни анализ ва синтез қилиш, аннотация ва абстракциялаш дастурларини яратиш зарурати табиий тилга автоматик ишлов бериш муаммосини бартараф этиш вазифасини кўяди.

Лингвистик анализатор – автоматлашган қидирув тизимида табиий тилни қайта ишлаш жараёнида сўзнинг морфологик, синтактик ва семантик хусусиятини ифодалайдиган восита. Анализатор тушунчаси термин сифатида кенг маънода қўлланади. Жумладан, лингвистика билан бир қаторда биология, физиология, анатомия, психология, физика, кимё каби ўнлаб соҳаларда маълум мақсад ва маънода ишлатилади. Лингвистикада эса анализатор табиий тилни автоматик қайта ишлашда муҳим ўрин тутди. Табиий тилни қайта ишлаш (Natural Language Processing (NLP)) – бу сунъий интеллект ва математик тилшуносликнинг умумий йўналиши бўлиб, табиий тиллардаги матнларни компьютерда анализ ва синтез қилиш муаммоларини ўрганади. Ушбу муаммони ҳал қилиш инсон ва компьютер ўртасида ўзаро алоқанинг янада қулай шаклини яратишни англатади. Лингвистик анализаторни қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1) семантик анализатор; 2) морфологик анализатор; 3) синтактик анализатор.

Катта гуруҳлар ўз ичида лемматизатор, морфоанализатор, стеммер, парсер, орфокорректорларни олади. Бу анализаторларнинг ҳар бири ишлаш принципи, мақсади, вазифасига эга.

Бобнинг “Семантик анализ ва синтезнинг матн автоматик таҳлилидаги аҳамияти” деб номланган иккинчи бўлимида ахборот-қидирув тизимида матннинг лингвистик таҳлили, автоматик таҳлилда семантик анализ ва синтез масаласи ҳамда АҚТда семантик қидирув ва унинг муаммолари каби масалалар ҳақида фикр юритилган. Сунъий равишда сўровни шакллантириш, тушуниш мақсадида табиий тилда гапнинг таҳлили, синтези (SQL, SPARQL, қидирув сўровлар ва бошқалар), гапнинг бир табиий тилдан бошқа табиий тилга таржима қилиниши (машина таржима тизими), матннинг семантик таҳлили вазифалари – TextMining, матн ресурсларининг семантик классификацияси каби масалалар амалий аҳамиятга моликдир.

И.В.Смирнов семантика моделлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) лексик семантика – сўзлар талқини (изоҳи); 2) дистрибутив семантика – сўзларнинг бошқа сўзлар билан бирикиши орқали ифодалайдиган маъноси; 3) “маъно-матн” модели; 4) ифодалар семантикаси; 5) семантик фреймлар модели²⁴.

Кўрсатилган семантика моделлари семантик анализаторнинг фаолияти учун муҳим ҳисобланади. Чунки семантик анализатор – сўз маъноси билан иш кўрадиган восита. Бизнингча, ўзбек тили семантик анализатори ҳам бевосита юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда иш юритади, семантик

²⁴Смирнов И.В. Обработка естественного языка и искусственный интеллект // <https://cs.hse.ru/data/2017/12/06/1161306556/Slides-IntroToAI-HSE-2017-09-Smirnov.pdf>

таҳлилни амалга оширади. Чунки ушбу хусусиятлар бирлашиб, семантик белгини аниқ кўрсатишга хизмат қилади.

Матннинг автоматик таҳлили бир қатор мураккаб операциялардан иборат. Матнни автоматик таҳлил қилиш натижасида унинг маълумотлари компьютер тушунадиган лексем-морфологик, синтактик ва семантик тасаввурга айланади. Автоматик матнни таҳлил ва синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки компьютер лингвистикасининг ҳам назарий, ҳам амалий тараққиёти инсон эҳтиёжларини амалга оширишга қаратилган самарали машина таржима тизимлари яратишга замин яратади.

Семантик таҳлил автоматик матн таҳлилининг энг мураккаб йўналишидир. Сўзлар ўртасида матнда турли тил ифодаларини бирлаштириш учун семантик алоқаларни ўрнатиш керак.

Семантик таҳлил асосида сўзнинг маъноси элементар семантик бирлик эмас, деган тасдиқ ётади. У кўпроқ элементар маъноларга – семантик тил луғатининг бирликларига бўлинади. Семантик тилнинг бу бирликлари турли комбинациялардан ўзига хос атомлар бўлиб, табиий тилнинг реал сўзларидан “молекулалар” ҳосил қилади²⁵.

Айнан семантик таҳлил барча тил сатҳларини автоматик таҳлил қилишда вужудга келадиган омонимия муаммосини ҳал этади:

1. Лексик омонимия: умумий маъно элементларига эга бўлмаган сўзларда товуш ва ёки имлонинг тўғри келиши.

2. Морфологик омонимия: қўшимчалар омонимлиги.

3. Лексик-морфологик омонимия (омонимиянинг энг кўп тарқалган тури): икки хил лексема сўз шаклининг тўғри келиши.

4. Синтактик омонимия: кўп маъноликка эга бўлган бир синтактик тузилма²⁶.

Семантик таҳлил модули қуйидаги икки синфдан иборат: DictionaryOr ва Semantic-Analysis. DictionaryOr семантик таҳлил луғати билан ўзаро алоқа қилиш учун масъул бўлган статистик синф ҳисобланади. Semantic-Analysis (семантик таҳлил) қабул қилинган гапнинг таҳлилини амалга оширади, ундан кейин семантик тармоқни қайтаради.

Семантик синтез – бир иборанинг семантик жихатдан синтактик тузилишга ўтиши (синтактик структурадан иборани ифодаловчи сўз шакллариининг лексик ва грамматик хусусиятлари занжирига ўтиши; лексик-морфологик тавсифдан ҳақиқий сўз шаклига ўтиши)²⁷.

Қидирув тизимлари СК (семантик қидирув)ни амалга оширишда жуда кўп муаммоларга дуч келади. Жумладан, қидирув сўровини киритишда фойдаланувчи айнан нимани назарда тутганини, яъни турли контекстларда сўз ёки иборанинг бир қанча маънолари мавжудлигини аниқлаш муаммоси. Семантик қидирув компьютер йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларни ечишда ёрдам беролмайди. Семантик қидирув нафақат

²⁵ Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М.: Просвещение, 1966. – С.254.

²⁶ Большакова Б.И. Компьютерная лингвистика: методы, ресурсы, приложения // Автоматическая обработка текстов на естественном языке и компьютерная лингвистика: учеб. пособие. М.: МИЭМ, 2011. С. 93—94.

²⁷ Щипицина Л.Ю. Информационные технологии в лингвистике: учеб. пособие / Л.Ю.Щипицина. – М.: ФЛИНТА: Наука, 2013. – 128 с. – С. 27.

контекстни, балки бошқа омиллар (жумладан, жорий вазият, фойдаланувчи жойи, семантик кидирувда сўзларнинг ўзгариши, синонимлар, умумий ва ихтисослаштирилган сўровлар, сўровлар учун “оддий тил”) таҳлилини ҳам инобатга олади.

Бобнинг “Семантик анализатор ва унинг ахборот-кидирув тизимида тутган ўрни” номли учинчи бўлимида семантик анализаторнинг ўрганилиши, мақсад ва вазифалари, синтактик-семантик анализаторлар, ўзбек тили семантик анализаторининг лингвистик таъминоти масаласи тавсифланган.

Семантик анализатор – сўровнинг синтактик тузилишини концептуал графиклар ёрдамида семантик жиҳатдан қайта ишлаш дастури. Концептуал график семантик ёки бошқача қилиб айтганда, табиий тилни тушуниш моделларида вазият ва билимни концептуал тасаввур қилишдир. Графиканинг тугунлари категория ва тушунчани ифодаловчи лексик birlikлар бўлиб, бир-бирига формал ва ассоциатив муносабат орқали боғланади. Графикдаги муносабатларнинг йўналиши ҳар доим юқоридан пастга – умумлаштиришнинг юқори даражадаги тушунчаларидан уларни тавсифловчи тушунчаларга йўналтирилади. Элементар маъно графикнинг бир-бирига боғланган қўшни тугунлари сифатида аниқланади. Бундай боғланишлар ҳар доим ҳам номланмайди, баъзан улар фақат икки сўз (талаба-институт, қайин-дарахт) ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳосиласини қайд этади. Графа маълум бир сўзнинг лексик фаол ва пассив валентликларини очиб берувчи, рухсат этилган бирикмаларга кирувчи ўзаро боғланган элементар маънолар мажмуасидан иборат. Графанинг икки тугунни бирлаштирувчи боғланган қисми кичик гуруҳни ташкил қилади. Семантик анализатор материални қайта ишлаш жараёнининг охириги босқичидир. Лингвистик процессор тугагандан сўнг таҳлил қилинган ахборот индексация босқичига ўтказилади.

Семантик анализатор сўз маъносининг тўғрилигини текширадиган тизим экан, уни бевосита “тафаккур анализатори” деб аташ мумкин. Бизнингча, семантик анализатор қуйидаги имкониятларга эга бўлиши керак:

биринчидан, тўғри ёзишнинг (орфография) жуда кучли текширув воситаси;

иккинчидан, сўз маъносини аниқлаштирувчи тизим;

учинчидан, сўзларни, уларнинг маъноси бироз бузилса ҳам, асосли конструкцияларга йиғишга ҳаракат қилади;

тўртинчидан, айрим номаълум сўзларни ёки нотўғри жойлаштирилган вергулларни ўз ичига олган структурани гапдан чиқаришга ҳаракат қилади.

Кўринадики, семантик анализатор яратиш анча мураккаб вазифа. Бунинг учун биз даставвал семантик анализатор учун лингвистик таъминот масаласини ҳал қилишимиз зарур.

Семантик анализатор – бу “таҳлилнинг юраги”: у дастурлаш тили билан боғлиқ барча қоидаларни билади. Семантик анализатор тилда мавжуд бўлган омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзларнинг маъносини фарқлашга хизмат қиладиган восита.

Диссертациянинг II боби “**Ахборот-қидирув тизимида омонимликни фарқлашнинг лингвистик асослари**” деб номланган. Бобнинг “Анъанавий тилшунослик ва компьютер лингвистикасида омонимия тадқиқи” номли биринчи бўлимида жаҳон тилшунослигида, туркологияда ҳамда ўзбек тилшунослигида омонимиянинг ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

С.Ульманн омонимияни “лингвистик универсал” деб атаган. У омонимия мутлақ универсал эмаслиги, балки жаҳонда омонимия мавжуд бўлмаган тилни ҳам топиш мумкинлиги, омонимсиз “бундай тил янада самарали алоқа воситаси” бўлишини таъкидлайди. С.Ульманнинг фикрича, омонимия статистик универсалия, яъни нисбий. Шунингдек, олим дунёнинг кўпгина тилларида омонимлар мавжуд, деб ҳисоблаган [Ульманн. 1970].

Жаҳон тилшунослигида омонимия ҳодисасининг ўрганилиши борасидаги назарияларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1. Омонимия ҳодисаси тилда мавжуд бўлган ҳамда аҳамиятга эга бўлган воқелик. 2. Тил учун аҳамиятга эга бўлмаган, “чалғитувчи” ҳодиса.

Омонимия К.Аханов (қозоқ тили) [1956], М.Миртожиев (ўзбек тили) [1964], А.Х.Ахтямов (бошқирд тили) [1966], Р.Бекджанова (қирғиз тили) [1967], Б.С.Салимгареева (татар тили) [1972], А.Гельдимурадов (туркман тили) [1974], А.Меметов (қрим-татар тили) [1977], А.А.Гасанов (озарбайжон тили) [1980] каби турколог олимларнинг тадқиқоти мавзуси бўлди. Бу турколог олимлар А.И.Смирницкий, В.В.Виноградов, О.С.Ахманова ва бошқа тилшунос олимлар ишлаб чиққан омонимия назариясига таянадилар. Булардан ташқари, туркологияда омонимлар муаммоси Н.А.Баскаков, Н.К.Дмитрийнинг илмий асарларида ҳам таҳлил этилган. Шунингдек, В.В.Радлов, Э.В.Севортян, А.А.Юлдашева, К.К.Юдахина, М.Х.Ахтямова, С.И.Ибрагимов каби қатор рус ва ўзбек олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳар бир тилда омонимлар лексикологиянинг тарихий ҳодисаси бўлиб, улар тилнинг қашшоқлиги кўрсаткичи эмас, балки лексик захиранинг бойлиги ва хилма-хиллиги кўрсаткичидир.

Бобнинг “Корпусда омонимияни фарқлаш/бартараф этиш масаласи” деб номланган иккинчи бўлимида омонимларнинг компьютер лингвистикасидаги тадқиқи ҳамда уларни семантик таҳлил қилиш тажрибаси, омонимларни таҳлил қилиш усуллари, ўзбек тили семантик анализатори учун омоним сўзлар маълумотлар базасини шакллантириш масаласи таҳлил қилинган. Маълумки, тил ҳодисаларини ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш ҳамма даврда ўз аҳамиятига эга. Жаҳон тилшунослигида омонимия, синонимия, антонимия ва полисемия каби ҳодисалар ўзбек тилшунослиги учун янги ҳисобланган компьютер тилшунослиги нуқтаи назаридан кенг доирада ўрганилган, унинг амалий натижаларидан корпус тузиш ва такомиллаштириш каби мақсадларда фойдаланилмоқда. Тилшуносликнинг илк ва ўрта босқичларида омонимия ҳодисасининг пайдо бўлиши, тараққиёти ва ёндош ҳодисаларга муносабатлари ўрганилган бўлса, замонавий лингвистикада унинг корпусда берилиши масаласи кун тартибига

қўйилди. Бу вазифани бажариш учун мавжуд луғатлар ахборот банки вазифасини ўтайди.

Корпус лингвистикасида омонимлик муаммосини ечиш, омоним бирликларни теглаш ва матнни автоматик ўқиш жараёнида омонимияни бартараф этиш масаласи (“снятие омонимии”)га оид қатор тадқиқотлар вужудга келган. Жумладан, Г.И.Кустова, О.Н.Ляшевская, Е.В.Падучева, Е.В.Рахилина, Б.П.Кобрицов, Т.И.Резникова²⁸, В.В.Куканова²⁹, А.А.Кретов³⁰лар шу масалалар ечимига бағишланган қатор ишларни эълон қилишган.

Омонимияни бартараф этиш компьютер тилшунослигининг кўплаб дастурларида, хусусан, қидирув тизимларида аҳамиятли. Чунки у муайян сўров синфларини қайта ишлаш аниқлигини ошириши ёки сақланган ахборот миқдорини камайтириши мумкин. Инглиз тилидаги матнларда омонимияни бартараф этишни қиёслаш мақсадида икки метод танлаб олинган: таянч вектор методи ва яширин Марков модели (ЯММ). Бу методлар луғатда бўлмаган сўзлар учун омонимияни қисман бартараф этиш имкониятини беради. Таниқли яширин Марков модели (Hidden Markov Model (HMM) tagging) омонимларни эҳтимолий ёндашув асосида аниқлашга қаратилган. Алгоритмнинг асосий ғояси шундан иборатки, жумлага киритилган ҳар бир сўз учун қуйидаги функцияни максималлаштирадиган грамматик синфни (тегни) танлаш керак:

$$P(\text{word/tag}) * P(\text{tag/previous } n \text{ tags})$$

$P(\text{tag/previous } n \text{ tags})$ – шартли эҳтимоллик, ушбу тег олдинги n тег аниқлангандан кейин ҳосил бўлади.

$P(\text{word/tag})$ – шартли эҳтимоллик, берилган жойда ҳосил бўлган $word$ сўзи, берилган грамматик синф тегига эга.


Яширин Марков модели – номаълум параметрларга эга бўлган жараённинг ишлашини симуляция қилувчи статистик модел. Номаълум параметрларни ўзгарувчан кузатувлар асосида ҳал қилиш вазифа қилиб қўйилади³¹.

²⁸Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Падучева Е.В.,Рахилина Е.В. Семантическая разметка лексик в Национальном корпусе русского языка: принципы, проблемы, перспективы// Национальный корпус русского языка:2003-2005. Результаты и перспективы. М.:Индрик, 2005. – С. 155-174.; Ляшевская О.Н. Топологические классы именв семантической разметке Национального корпуса русского языка // Труды международной конференции «Корпусная лингвистика-2008» (Санкт-Петербург, 6-10 октября 2008 г.). СПб.: С.-Петербургский гос. университет, Факультет филологии и искусств, 2008. – С. 276-284.; Рахилина Е.В., Кобрицов Б.П., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Шеманаева О.Ю. Многозначность как прикладная проблема: семантическая разметка в Национальном корпусе русского языка // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды международной конференции «Диалог-2006». – М., 2006. – С. 445-450.; Рахилина Е.В., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Резникова Т.И., Шеманова О.Ю. Задачи и принципы семантической разметки лексик в НКРЯ // Национальный корпус русского языка: 2006-2008. Новые результаты и перспективы/ отв. ред. В.А.Плунгян. СПб.: Не-стор-История, 2009. – С.215-239.; Ляшевская О.Н. Топологические классы именв семантической разметке Национального корпуса русского языка // Труды международной конференции «Корпусная лингвистика-2008» (Санкт-Петербург, 6-10 октября 2008 г.). СПб.: С.-Петербургский гос. университет, Факультет филологии и искусств, 2008. – С. 276-284.; Кобрицов Б.П. Модели многозначности русской предметной лексики: глобальные и локальные правила разрешения омонимии. Автореф. канд. филол. наук.-М.: РГГУ, 2004.; Кобрицов Б.П., Ляшевская О.Н., Шеманаева О.Ю. Поверхностные фильтры для разрешения семантической омонимии в текстовом корпусе // Кобозева И.М., Нариньяни А.С., Селегей В.П. (ред.), Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды международной конференции Диалог'2005.-М., 2005.

²⁹Куканова В.В. Принципы семантической разметки национального корпуса калмыцкого языка // http://kalmcorp.ru/sites/default/files/kukanova_25.pdf

³⁰Кретов А.А. Анализ семантических помет в НКРЯ // <http://ruscorpora.ru/sbornik2008/11.pdf>

³¹Ветров Д. Скрытые марковские модели // http://www.machinelearning.ru/wikiimages/8/83/GM12_3.pdf.



1-расм. ЯММнинг умумий структураси.

Бунда $x(t)$ яширин ўзгарувчининг қиймати фақат $x(t-1)$ яширин ўзгарувчининг қийматига боғлиқ эканлиги равшан бўлади. Бу боғлиқлик (тобелик) “Марков хусусияти” деб аталади. Шу билан бирга, кузатилган ўзгарувчининг қиймати $y(t)$ фақат яширин ўзгарувчининг $x(t)$ қийматига боғлиқ бўлади. Луғатда бўлмаган сўзларни таҳлил қилиш учун уч ҳарfli постфикслар ишлатилади. Натижада, морфологик хусусиятларни аниқлаш муаммосини ҳал қилиш яширин қийматларнинг энг муносиб қийматлари кетма-кетлигини ҳисоблаш учун камаяди:

$$y'(t) = \operatorname{argmax} P(y/x)$$

ЯММ алгоритми жуда юқори ҳисоблаш мураккаблигига эга (классик Витерби динамик дастурлаш усули билан амалга оширилади, шунга ўхшаш Левенштейн масофани ҳисоблаш учун ишлатилади) ва амалда, одатда, уни камайтириш учун турли соддалаштирувчи тахминлар ишлатилади (масалан, уч сўзли кетма-кетликлардан ортиқ бўлмаслиги керак).

Бобнинг “Омонимликни фарқлаш омиллари” деб номланган учинчи бўлимида омонимликни фарқлашнинг морфологик омиллари, коллокация ҳодисаси ва омонимия, омонимликни фарқлашнинг синтактик омиллари хусусида фикр юритилади. Маълумки, тил бирликлари бир-биридан қатор омиллар билан фарқланади. Жумладан, лексик, морфологик, синтактик факторлар шулар сирасига киради. Бирликларни фарқлашда ҳар бир омилнинг ўз ўрни ва аҳамияти бўлади. Уларни фарқлашда қайсидир омил етакчилик қилса, бошқа омил кучсизланиши мумкин ёки омиллар ҳамкорлиги асосида фарқланиши кузатилади. Тадқиқот объекти бўлган омонимларни фарқлаш бир қатор йўллар орқали амалга ошади. Олдин таъкидланганидек, семантик анализаторнинг омонимларни фарқлаши учун дастлаб уларнинг лингвистик фильтри ва моделлари ишлаб чиқилиши лозим. Бу эса лингвистик билимни, ёндашувни талаб этади. Зотан, табиий тилни қайта ишлаш (NLP) сунъий ақл синтези ва математик тилшуносликнинг энг муҳим ва долзарб йўналишларидан биридир. Бу ўринда асосий ҳаракат инсоннинг табиий тилида ифодаланган матнни таҳлил қилиши ва компьютернинг ушбу маълумотни “идрок этиш”, қайта ишлаш қобилиятини топиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган.

Табий тилни қайта ишлаш – бу сунъий интеллект билан боғлиқ вазифа, чунки у атрофдаги дунё ва инсон ҳиссиётларини юқори даражада тушунишни ўз ичига олади. Шубҳасиз, ушбу муаммоларни ҳал қилиш тадқиқотчидан тилшунослик ҳамда сунъий интеллект соҳасида етарлича билимни талаб қилади.

Тадқиқот учун Ш.Раҳматуллаевнинг “Омонимларнинг изоҳли луғати” ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилдли)да мавжуд омонимлар лингвистик база бўлиб хизмат қилди. Уларни туркумига асосланиб, қуйидагича гуруҳлаб чиқдик: 1) бир сўз туркуми доирасидаги омонимлар; 2) от // феъл ҳамда сифат // феъл туркуми орасида кузатиладиган омонимлар; 3) турли туркум доирасида вужудга келадиган омонимлар.

От // феъл ҳамда сифат // феъл туркуми доирасида учрайдиган омоним сўзлар, асосан, морфологик омил асосида фарқланади. МО бир қатор морфологик воситалар орқали юзага чиқади.

Омоним сўзни фарқлашда морфологик ва синтактик омиллар муҳим ўрин тутади. От ва феъл орасидаги омонимликда морфологик; сифат ва феъл орасидаги омонимликда морфологик-синтактик; фақат от ва фақат феъл туркуми доирасидаги омонимликда синтактик-морфологик; фақат сифат туркуми доирасидаги омонимликда синтактик; турли туркум доирасидаги омонимликда эса морфологик, синтактик, морфологик-синтактик ва синтактик-морфологик омил етакчилик қилиши аниқланди.

Тадқиқотнинг III боби **“Ахборот-кидирув тизимида полифункционал ҳамда кўп маъноли сўзларни фарқлашнинг лингвистик асослари”** деб аталади. Биринчи бўлим “Анъанавий тилшуносликда полифункционал ва кўп маъноли сўзлар тадқиқи” деб номланади.

Полисемия ҳар қандай тилда салмоқли ўрин тутади. Тил бойлиги фақат ибора, мақоллар билан эмас, балки сўзларнинг лексик (луғавий) маънолари билан ҳам ўлчанади. Сўз маъноларининг ранг-баранглиги, яъни сўзларнинг кўп маънолилиги – полисемия тил бойлигида ўз ўрнига эга.

Тилдаги полисемия ҳодисаси жуда қадимдан олимлар диққат марказида бўлган. Машҳур лексикограф Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк” китобида туркий полисемантик сўзларни қайд этади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида сўз маъноларига алоҳида тўхталади. Навоий асарларида деярли барча сўзлар кўп маъноли, шунинг учун ҳам лексикографлар сўз маъносини изоҳлашда доим полисемантизмга дуч келади. Натижада, ўзбек луғатчилиги тарихида сўз маъносини изоҳлаш ўзининг изчил бир тизимига эга бўлди. Бу даврда яратилган барча луғатларда сўз маъносини изоҳлаш “умумийликдан хусусийликка” тамойилига таянган ҳолда олиб борилган: олдин умумий, тўғри маъно кўрсатилади, сўнгра сўзнинг кўчма маънолари изоҳланади³².

Полисемияни баҳолаш тилшунослар орасида зиддиятли фикрларга сабаб бўлди. Баъзи олимларнинг фикрича, идеал тилда сўз фақат битта маънога эга

³²Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 48. – 232 б.

бўлиши ва ҳар бир маъно алоҳида номга эга бўлиши керак. Бироқ бу бир қарашда қулай кўриниши мумкин, аслида сўзларнинг бирёқламалиги тил имкониятларини пасайтириб, уни миллий ўзликдан маҳрум этади. Кўпчилик олимлар ҳақли равишда сўзларнинг кўп маънолилигини тилнинг заифлиги эмас, балки тил бойлигининг бир кўриниши деб биладилар. Кўп маънолилик тилнинг чексиз имкониятларини эътироф қилади, чунки сўз бойлиги нафақат сўзлар, балки уларнинг қийматлари хилма-хиллигида, сўзларнинг янги семантик фарқларни олиш қобилиятидир. Сўздаги янги маъноларнинг ривожланиши тил лексик ресурсларидан ижодий фойдаланиш кўламини беради.

Полисемантик сўзнинг ҳар бир лексик маъноси бир ҳалка деб олинса, улар ўзаро занжирсимон бирлашган бўлади. Уларнинг орасидан бирининг тушиб қолиши занжирнинг, яъни полисемантик сўз лексик маъноларининг ўша ердан узилиши бўлади. Омонимлар полисемантик сўз ҳисобига шу жараён асосида таркиб топишини олим М.Миртожиев алоҳида таъкидлайди.

Айрим тилшуносларнинг полисемия ҳодисасини умуман тан олмасликлари, “сўз маъносидаги кичик ўзгариш ҳам уни бошқа сўзга айлантириши” каби қарашлари ўзини оқламайди. Аксинча, кўп маъноли сўзлар синоним, антоним ва омоним каби тил тараққиётини, унинг бойлигини, кўп маънони бир сўзда сингдира олиш қобилиятини, тилдаги тежамкорлик тамойилларини яққол намоён этади. Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп маъноли сўзнинг мақсадга мувофиқ маъносини танлаб ишлатиш, ўз ўрнида фойдаланиш тил эгасидан закийликни талаб этади. Ўзбек тилининг миллий корпуси учун кўп маъноли сўзларни фарқлаш дастурининг яратилиши сўз маъноларини ажратиш учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Полифункционаллик конверсия ҳодисаси билан боғлиқ. О.С.Ахманова “Словарь лингвистических терминов”да “конверсия – маълум бир сўзнинг ҳеч қандай аффикс олмаган ҳолда бошқа сўз туркуми вазафасида келиш ҳодисаси”³³, деб таъриф беради. Тилшуносликда полифункционаллик тушунчаси ғоят хилма-хил. Полифункционаллик тил сатҳлари бирликларининг хусусияти сифатида ажралиб туради: тадқиқотчилар морфема, сўз (сўз шакли), иборалар полифункционаллиги ҳақида фикр юритишади. Баъзан полифункционаллик торроқ, баъзан жуда кенг тушунилади.

Полифункционаллик битта грамматик синф ичида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ёрдамчи сўзлар орасида полифункционаллик кенг тарқалган. Айниқса, у боғловчи ва юкламалар учун характерли. Бундай сўзларнинг семантик бирлиги М.И.Черемисина томонидан исботланган: “Маълум бир ҳолатда боғловчи юклама ва аксинча, муайян позицияларда юклама боғловчи вазифасини олади”³⁴.

³³ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966. – С. 197. – 607 с.

³⁴ Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. – Москва, 1976. – 270 с.

Тилшунослигимизда полифункционаллик масаласига доир қатор ишлар амалга оширилган. Бу муаммо таҳлиliga бағишланган Ё.Тожиев, Ж.Элтазаров, Н.Қодирова, Г.Сулаймонова, Т.Валиев, А.Ботирова ва бошқаларнинг тадқиқотлари алоҳида қимматга эга³⁵. Тил бирликларининг полифункционаллиги масаласида турли фикр-мулоҳазалар ифодаланган. Уларни умумлаштириб, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) тил бирликларига хос полифункционалликни полисемия доирасида ўрганиш; 2) полисемия ва омонимия оралиғидаги боғловчи бўғин; 3) сўз семантик структурасидаги турли сўз туркумларига хос маъноларнинг синкретизми; 4) полисемантиклик хусусияти сусайган, бироқ омонимлик даражасига етмаган бирлик.

Бобнинг “Полифункционал ва кўп маъноли сўзларни корпусда бартараф этиш учун филтрлаш тажрибасидан” деб номланган бўлимида полифункционал сўзларнинг компьютер лингвистикасидаги тадқиқи, полисемантик сўзларни филтрлаш масаласи ва тил корпусида берилиши, кўп маънолиликни бартараф этиш тажрибаси хусусида фикр юритилган. Изланиш давомида полифункционалликнинг компьютер тилшунослигида ўрганилиши, сўз маъноларини фарқлашнинг автоматик амалга оширилиши борасида бирор тадқиқот амалга оширилганлигини кузатмадик. Бу, бизнингча, назарий тилшуносликда ҳодиса борасида яқдил илмий хулосанинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Айрим кичик тадқиқотларда полисемиянинг корпусда берилиши масаласини ёритиш жараёнида бу ҳодисага йўл-йўлакай муносабат билдирилган. Жумладан, И.М.Кобозеванинг “Полисемия дискурсивных слов и возможности ее разрешения в контексте предложения (на примере слова *вот*)” мақоласида *вот* сўзи ҳам юклама, ҳам олмош вазифасида полифункционал сўз бўлиб келиши ва унинг рус миллий корпусида ифодаланиши хусусида айрим мулоҳазалар келтирилган³⁶. Полифункционал билан бир қаторда “кўп функциялилик” термини айрим тилшунослар ишида учрайди. Жумладан, А.Лефевре, “бир нечта грамматик функцияни бажарадиган лексик элемент кўп функцияли”, – дейди. Полифункционал ва кўп функцияли термини синоним сифатида қўлланади³⁷.

Ўзбек тилшунослигининг анъанавий йўналишида полифункционаллик бўйича амалга оширилган тадқиқотларга асосланиб, бундай сўзларни филтрлашда локализациянинг аҳамияти хусусида, матнда полифункционал сўзларни семантик филтрлашда лингвистик омиллар масалаларини ёритиб, семантик анализатор учун полифункционал сўзлар масаласини лингвистик жиҳатдан ечишга ҳаракат қилинди.

Корпус лингвистикасида полисемантик сўз муаммосини ечиш, полисемантик бирликни теглаш, матнни автоматик ўқиш жараёнида

³⁵Қодирова Н.А. Ўзбек тилидаги аффиксларда полифункционаллик: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 26 б. – Б.16; Сулаймонова Г.А. Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б. – Б. 8.; Элтазаров Ж. Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 26. – 42 б.

³⁶ Кобозева И.М. Полисемия дискурсивных слов и возможности ее разрешения в контексте предложения (на примере слова *ВОТ*) // Труды международной конференции “Диалог 2007”. – С. 250-255.

³⁷ Alan Reed Libert Hypersynonymy for Polyfunctionality // https://www.researchgate.net/publication/329881879_Hypersynonymy_for_Polyfunctionality

полисемияни бартараф этиш масаласи (“снятия полисемии”)га оид қатор тадқиқотлар вужудга келган³⁸. Лексик кўп маънолилиқ муаммосини ҳал қилишда қуйидагилар зарур: 1. Матн билан боғлиқ ҳар бир сўзнинг маъносини аниқлаш. 2. Контекстда учраган сўзга асосланиб, энг мос маъносини танлаш.

Корпусдаги кўп маъноли сўзнинг маъноси оддий изоҳли луғатдаги каби рақам билан эмас, семантик белги билан фарқланади, масалан: *арраламоқ* (тўнкани) – “жисмоний ҳаракат”, *арраламоқ* (эрни) – “нутқ”. Дастурлар семантик филтрлардан фойдаланади. Агар луғатда ҳар бир белги тегишли маънога қиёсан қўйилган бўлса, корпус матнларида сўзнинг барчасига қўйилади, шунинг учун белгини автоматик жойлаштиришда сўзнинг маъносини ажратиб бўлмайди. Кўп маънолилиқ дастури семантик филтрлардан фойдаланади. Кўп маъноли сўз гапда аниқ бир маънода ишлатилади (сўз ўйинини ҳисобга олмаганда), бу эса сўз маъносининг контекстга мос келишини англатади.

Бобнинг “Полифункционал ва кўп маъноли сўзларни ўз ичида фарқлаш омиллари” деб номланган учинчи фаслида полифункционал ва кўп маънолилиқни фарқлашда локализация ҳодисаси, полифункционал сўзларни фарқлашнинг лингвистик омиллари, кўп маъноли сўзларни фарқлаш омиллари каби масалалар ёритилган. Ўзбек тилшунослигида лексик сатҳда локаллиқнинг ифодаланишига бағишланган тадқиқот мавжуд³⁹ бўлиб, бунда асосий эътибор лексемалар семемасидаги локал семалар ва бу семаларнинг тил лексик системасидаги система ҳосил қилиш (интегротив) вазифасини очишга қаратилган. Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати М.В.Эргашова диссертациясида ёритилган⁴⁰. Н.Ширинова диссертациясида сўз бирикмаларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлашда релевант аҳамиятли синтактик усуллар сифатида локализация ҳодисасини кўрсатади. Предметликни маълум даражада мўътадиллаштириб, белги-хусусиятни кучайтиришнинг барча тиллар учун кенг қўлланиладиган омили тилшунослиқда локализация (жойлаштириш ёки ёнма-ён қўйиш (рус. соположение) бўлиб, бунда, одатда тобе компонент предметлик маъносини деярли йўқотиб, белги-хусусият маъносини воқелантиради. Бу усул тилимизда жуда кенг қўлланилади: *тош кўприк, олтин соат...*⁴¹

³⁸Шеманаева О.Ю., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Рахилина Е.В. Семантические фильтры для разрешения многозначности в Национальном корпусе русского языка: прилагательные // Иомдин Л.Л., Лауфер Н.И., Нариньяни А.С., Селегей В.П. (ред.). Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды между народной конференции «Диалог 2007». – 2007. – С. 582-587.; Толдова С.Ю., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н. Семантические фильтры для разрешения многозначности в Национальном корпусе русского языка: глаголы // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: По материалам ежегодной Международной конференции «Диалог» (Бекасово, 4-8 июня 2008 г.). – Вып. 7 (14). – М.: РГГУ, 2008.; Рахилина Е.В., Ляшевская О.Н., Кобрицов Б.П., Кустова Г.И., Шеманаева О.Ю. Многозначность как прикладная проблема: Лексико-семантическая разметка в Национальном корпусе русского языка // Лауфер Н.И., Нариньяни А.С., Селегей В.П. (ред.). Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды между народной конференции “Диалог 2006”, – 2006. – С. 445-450.

³⁹ Курбонова Б. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2007. – 107 б.

⁴⁰Эргашова М. Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати. Филол. фанлари номзоди дисс. ав-ти. – Тошкент, 2011. – 21 б.

⁴¹ Ширинова Н. Ўзбек тилида белги-хусусият ва предметлик маъноларининг фарқланишида градуонимик қаторлар. Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 2010. – 160 б. – Б. 85.

Синтактик боғланиш, биринчидан, синтактик бирлик элементларининг ўзаро муносабатларидан иборат, яъни сўзлар ўртасидаги синтактик муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилади. Иккинчидан, гап ва сўз бирикмасининг синтактик структурасини яратади. Учинчидан, сўзнинг лексик маъносини амалга ошириш учун шароит яратади. Сўз шакллари, ёрдамчи сўзлар, лексик элементлар, интонация, сўз тартиби синтактик алоқани юзага чиқарувчи воситалар ҳисобланади. Сўз бирикмаларида локализация (жойлаштириш) синтактик омилини оддий синтактик битишувдан фарқлаш лозимлиги С.Назарова диссертациясида таҳлил қилинган⁴². Локализация деган тушунча сўз шакллариининг жойлашувига мувофиқ келиб, полисемия ва полифункционал сўз маъноларини аниқлаш учун муҳим. Чунки муайян маънодаги сўз маълум синтактик позицияни тақозо этгани каби муайян синтактик позиция ҳам шу позицияга мос келадиган маънодаги сўзни тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, синтаксис қанчалик семантик табиатга эга бўлса, семантика ҳам, ўз навбатида, шунчалик синтактик табиатга эгадир⁴³.

Тил бунёдкори шахс экан, тил воситаларининг воқеланиши учун лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлигини назардан қочирмаслик лозим. Тадқиқот объекти бўлган полифункционал сўзлар таҳлилида ҳам лингвистик омиллар билан бир қаторда нутқий вазият, сўз қуршовининг аҳамияти инобатга олинishi керак.

ЎТОИЛда омоним деб берилган *бер, боқ, кел, ол, юбор, қол* каби феълларга полифункционал сўз сифатида қараш ўринли. Бунинг назарий асослари мазкур бобнинг биринчи фаслида таҳлил қилинди. Мустақил ва кўмакчи феъл орасидаги полифункционалликни фарқлаш омилларига тўхталсак:

Бер – феъл. Қўлига тутқизмоқ, ихтиёрига топширмоқ, таъмин қилмоқ.

Бер – кўмакчи феъл. Мустақил феъл англатган лексик маънога: 1) “бирова учун бажарганлик” грамматик маъносини қўшади. 2) “давомийлик, такрорийлик” грамматик маъносини қўшади⁴⁴.

<i>Бер</i> мустақил феъл (СБда ҳоким қисм)	
китобни, меҳрни, бахтни	бер
менга, унга, бизга	
уйда, кўчада, маҳаллада, ишда	
пулдан, ширинликдан, чойдан	
<i>Бер</i> мустақил феъл (СБда тобе қисм)	
бериб беришга берса берганди (-гунча, -гач) бергандан кейин	кел
бериб	юбор

⁴² Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари. Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1997. – 20 с.

⁴³ Гак В. Г. К проблеме семантической синтагматики. «Проблемы структурной лингвистики». – М., 1971. – С. 367.

⁴⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 29. – 214 б.

берса берганда (-гунча, -гач) бергандан кейин	
бериб беришни (-га, -да) берса берганда (-гунча, -гач) бергандан кейин	айт
<i>Бер мустақил феъл (КФСҚнинг етакчи қисми)</i>	
бериб (-а)	кўр
	юбор
	сол

Олд бирикувчилар орқали *бер* феъли мустақил сўз сифатида воқеланган. Мустақил феъл бўлиб, келишик шакллари бошқариб, ҳоким сўз вазифасини бажарган. *Бер кел, бериб юбор* мисолларида *бериб* мустақил феъл бўлиб, битишувли алоқанинг тобе компоненти бўлиб келган.

<i>Бер кўмакчи феъл</i>	
жеркиб	бер
айтиб	
куйлаб	
текшириб	
айта	
кўра	
топшира	

Бу ўринда кўмакчи феълли сўз қўшилмасининг кўмакчи қисми вазифасида келган. Етакчи ва кўмакчи қисм равишдош шакллари орқали боғланган. Демак, мазкур феъл мустақил феъл бўлиб келганда ҳам ҳоким, ҳам тобе мавқеида воқеланади. Кўмакчи феъл бўлганда эса фақат етакчи феъл билан боғланиб, биров учун бажарилган иш-ҳаракат маъносини англатади.

Таҳлиллардан кузатилдики, полисемантик сўзларнинг маъноси морфологик ва синтактик омиллар ҳамкорлигида намоён бўлади. ЎТИЛдан полисемантик сўзларни ажратиб, лингвистик омиллар асосида бирикувчилар танлаб, мукамал база яратиш келажакда семантик анализатор учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг IV боби “**Ўзбек тили семантик анализатори учун омоним, полифункционал ва кўп маъноли сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш масалалари**” деб номланган. Бобнинг “Омоним сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш” деб аталувчи бўлимида бир туркум, от//феъл ҳамда сифат//феъл туркуми ҳамда турли туркум доирасида вужудга келадиган омоним сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш муаммолари таҳлил этилади. Компьютер тилшунослигида лингвистик моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Яратилган модел асосида дастурий таъминот яратилиб, тил бирлигининг корпусда берилиши масаласи ечим топади. Ўзбек тили семантик анализатори учун омоним сўзлар

қуршовини лингвистик моделлаштириш масаласи муҳим ҳисобланади. Ҳар бир омоним турининг туркум табиатидан келиб чиқиб, уларнинг лингвистик таъминотини ва у орқали лингвистик моделини тузиш лозим. Чунки бир сўз туркуми доирасидаги омоним сўзлар қуршови от ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида учрайдиган омоним сўзлар ёки турли туркум доирасида вужудга келадиган омоним сўзлар қуршовини моделлаштириш каби амалга оширилмайди. Чунки бир туркум доирасидаги омоним сўзларни грамматик шакллар орқали аниқлаб бўлмайди. Маълумки, бир туркум доирасида учрайдиган омоним сўзлар грамматик шакллар қўшилганда ҳам омонимлигини сақлаб қолади. Масалан:

Асорат I от. Тутқунлик, қуллик, эркисизлик ҳолати.

Асорат II от. Бўлиб ўтганнинг қолдиғи, излари⁴⁵.

Асорат + нинг/ни/га/да/дан = асоратнинг/ни/га/да/дан

Асорат + нинг/ни/га/да/дан = асоратнинг/ни/га/да/дан

Кўриняптики, бундай филтер орқали бир туркум доирасида учрайдиган омонимларни фарқлаш имконсиз. Шунинг учун бундай сўзлар алоҳида филтер базасини яратишни тақозо этди.

Лингвистик база бўлиб хизмат қилган “Омонимларнинг изоҳли луғати” ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бир сўз туркуми доирасидаги омонимлар сони ва турини қуйидагича аниқладик:

1) фақат от туркуми доирасидаги омоним сўзлар – 1060 та;

2) фақат сифат туркуми доирасидаги омоним сўзлар – 82 та;

3) фақат феъл туркуми доирасидаги омоним сўзлар – 235 та.

Ўзбек тилида қуйидаги усуллар орқали омонимияни бартараф этиш мумкин:

1) олдинги мустақил сўз билан бирикиш – W_P ;

2) кейинги мустақил сўз билан бирикиш – W_F .

Биз омоним сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштиришда хусусий маънолар бирикувчанлигига асосландик. Чунки сўз серқирра ҳодиса бўлиб, бир сўз жуда кўп бирикувчилар билан қўллана олади. Сўзнинг нутқий қўлланиши ҳам ўзига анча бирикувчиларни “торта олади”. Бу ҳолда сўз семантикаси билан ишлаш, айниқса, уни моделлаштириш корпус тилшунослиги учун мураккаблигича қолаверади. Ана шу қамровни хусусий маъно (ХМ) орқали чегаралаш мақсадга мувофиқ. Бу эса семантик филтер базасини яратиш ҳамда омонимларни моделлаштиришни енгиллаштиради.

Бир туркум ичида учрайдиган омоним сўзларни семантик филтрлаш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилиши мумкин:

1. Фақат от сўз туркуми доирасидаги омонимларни келишик шаклларини (6 та) олган ҳолда ундан сўнг қандай сўз келишига қараб (сўнг бирикувчанлик асосида) ёки от-омонимдан олдин келган сифат орқали хусусий маънолар бирикувчанлиги асосида аниқлаш.

Буни қуйидагича моделлаштириш мумкин:

⁴⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 108 б. – Б 22.

$H_N + CS_{aff} = V$. Бунда: $H_N = \{\text{от-омоним}\}$; $CS_{aff} = \{-, \text{-нинг}, \text{-ни}, \text{-га}, \text{-да}, \text{-дан}\}$; $V = \{\text{феъл сўз}\}$.

$H_N + CS_{aff} = N/Num/Adj/Adv/Pr/Mim$. Бунда: $H_N = \{\text{от-омоним}\}$; $CS_{aff} = \{-, \text{-нинг}, \text{-ни}, \text{-га}, \text{-да}, \text{-дан}\}$; $N = \{\text{от}\}$, $Num = \{\text{от}\}$, $Adj = \{\text{сифат}\}$, $Adv = \{\text{равиш}\}$, $Pr = \{\text{олмош}\}$, $Mim = \{\text{таклид}\}$.

$Adj + H_N$. Бунда: $Adj = \{\text{сифат}\}$, $H_N = \{\text{от-омоним}\}$. Мана бу модел асосида ишлайдиган от-омонимлар ҳам лексиконда мавжуд бўлиб, булар ўзидан олдин келган сифат билан бирикиб, бирикувчиси отнинг сифатловчиси бўлиб, от-омоним маъносини аниқлаб келади.

Булар фақат от сўз туркуми доирасидаги омонимларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган инвариант модел бўлиб, бу бир қатор субмоделларда воқеланади.

Фақат сифат сўз туркуми доирасида учрайдиган омонимларни ундан кейин кела оладиган хусусий маънолар бирикувчанлиги асосида сўнг усул орқали аниқлаш.

$H_{adj} + N$. Бунда: $H_{adj} = \{\text{сифат-омоним}\}$; $N = \{\text{от сўз}\}$;

$H_{adj} + V$. Бунда: $H_{adj} = \{\text{сифат-омоним}\}$; $V = \{\text{феъл сўз}\}$.

Фақат феъл туркумидаги омонимларни фарқлаш қуйидаги йўллар билан амалга ошади:

1) феъл-омоним 2-шахс буйруқ майлида ёки феълнинг ноаниқ формаси (-моқ)да бўлса, ўзидан олдин хусусий маънолар бирикувчанлиги асосида сўнг усул билан аниқланади.

2) агар феъл-омоним феълнинг вазифа шакллари қўшимчалари (равишдош, сифатдош, ҳаракат номининг -ш, -иш, -в, -ув шакли) билан келган бўлса, феъл-омоним ё ўзидан олдин, ё кейин келадиган сўз билан бирикма ҳосил қилади.

Буларни қуйидагича моделлаштириш мумкин:

$WG + H_V$. Бунда: $WG = \{\text{от}, \text{равиш}, \text{равиш характеридаги сифат}, \text{сон}, \text{олмош}\}$; $H_V = \{\text{феъл-омоним}\}$

$Y_r^f + O_f^n$. Бунда: $Y_r^f = \{\text{етакчи феъл: -б/-б, -а/-й}\}$; $O_f^n = \{\text{феъл-омоним}\}$.

Булар фақат феъл сўз туркуми доирасидаги омонимларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган инвариант модел бўлиб, бу бир қатор субмоделларда воқеланади.

От ва феъл ҳамда сифат ва феъл туркуми доирасида учрайдиган 120 та омоним сўзларни лингвистик базадан ажратиб олдик. Бу омоним сўзларнинг 102 таси от ва феъл, 18 таси сифат ва феъл сўз туркуми орасида воқеланган.

Ари I от. Парда қанотли чақадиган ҳашарот.

Ари II феъл. Йўқолмоқ, тугамоқ, кетмоқ⁴⁶.

1) ари+ни/лар/ча=от

2) ари+ма/ган/гунча/гин/май/ди=феъл

Ая I от. Фарзандни дунёга келтирган аёл, она.

Ая II феъл. Авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ⁴⁷.

⁴⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 108 б. – Б 21.

⁴⁷ Ўша манба. – Б. 24.

1) ая+жон/м/нг/си/миз/нгиз/нинг/ни/га/да/дан/лар=от

2) ая+ ма/май/мас/ган/р/б/гач/гунча/гудек/й/нг/син/нгиз =феъл.

От ва феъл орасидаги юқоридаги каби омонимларни мана шундай филтер орқали фарқладик.

От-омонимни отга хос луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчалар ёрдамида аниқлаш мумкин. Буни қуйидагича моделлаштириш мумкин:

$$H_N + LF_N + SF_N = N$$

Бунда H_N – омоним сўз, LF_N (Lexical forms of the noun) – отнинг луғавий шакллари, SF_N (Syntactic forms of the noun) – отнинг синтактик шакллари, N (Noun) – от сўз туркуми.

Феъл-омонимни эса феълга хос луғавий ва синтактик шакл ясовчи аффикслар ёрдамида аниқлаш мумкин. Буни эса қуйидагича моделлаштирамиз:

$$H_V + LF_V + SF_V = V$$

Бунда H_V – омоним сўз, LF_V (Lexical forms of the verb) – феълнинг луғавий шакллари, SF_V (Syntactic forms of the verb) – феълнинг синтактик шакллари, V (Verb) – феъл сўз туркуми. Бу моделлар бир қатор субмоделларда вокеланади.

Тадқиқотда лингвистик база бўлиб хизмат қилган “Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати”да турли туркум доирасида вужудга келадиган омоним сўзлар ранг-баранг бўлиб, уларнинг қуршовини лингвистик моделлаштириш индивидуал филтер ишлаб чиқишни тақозо этди. Чунки турли туркум доирасига икки, уч, тўрт туркум ҳам тегишли бўлиб, айрим омонимлар икки ва ҳатто беш-олтитагача маънога эгалигини кузатиш мумкин. Омонимларнинг ранг-баранг туркум таснифидан кўринадики, турли туркум доирасидаги омоним сўзларни фарқлаш учун ҳар бир сўз маъносига мувофиқ филтер базаси талаб қилинади.

Бобнинг иккинчи бўлими “Полифункционал сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш” деб аталади. Полифункционал сўз масаласи жаҳон тилшунослигида тўлиқ ечим топмаган бўлиб, унинг автоматик аниқланиши, корпусда бартараф этилиши, лингвистик филтри ва модели борасида бирор тадқиқот учратмадик. Мазкур фаслда ўзбек тилида мавжуд назарий қарашларни умумлаштириб, улардан фойдаланиб, семантик анализатор учун полифункционал сўзларни моделлаштириш борасидаги дастлабки ишларни бажаришга ҳаракат қилинди.

Олтин, кумуш, чўян, касал, темир, ёғоч, чўлоқ, қуйи, бўртма каби бир қатор от-сифат орасидаги полифункционал сўзлар қуйидагича моделлаштирилади:

$P_i^N + V$. Бунда: $P_i^N = \{\text{От бўлиб келган полифункционал сўз, } i=1..n\}$;
 $V = \{\text{феъл}\}$.

$P_i^N + V = \{\text{олтин топмок/ковламок/сотиб олмок/бермок...}\}$

$P_1^{ADJ} + N$. Бунда: $P_{ADJ} = \{\text{Сифат бўлиб келган полифункционал сўз, } i=1..n\}$; $N = \{\text{от}\}$

$P_1^{ADJ} + N = \{\text{олтин узук/билакузук/соат/бош/кўл...}\}$

Бобнинг учинчи фасли “Кўп маъноли сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш” деб номланади. Маълумки, лексик кўп маънолиликни (инглизча *word sense disambiguation, WSD*) бартараф қилиш – бу полисемик сўз ёки иборанинг маъносини танлаш вазифасидан иборат бўлган табиий тилни қайта ишлашнинг ҳал қилинмаган муаммосидир. Бу муаммо дискурсив таҳлилда, натижаларнинг кидирув тизимлари томонидан долзарблигини оптималлаштиришда, анафорик мурожаатларни ҳал қилишда, матннинг лингвистик боғлиқлигини ўрганишда, хулосаларни таҳлил қилишда юзага келади. Кўп маънолиликни фарқлашда ҳам бирикувчилик тамойилига таянилади. Сўзнинг қайси маънода келгани ундан олдин ёки кейин келган сўз орқали аниқланади.

Ўзбек тилининг ички имкониятлари ҳамда хусусиятларини инобатга олиб, кўп маъноли сўзларни моделлаштиришнинг қуйидаги йўллари кўрсатиш мумкин (ёқа сўзи мисолида):

$$N_j^{ps.1} + PS_1$$

$N_j^{ps.1}$ = полисемантик сўзнинг дастлабки (ўз) маъноси билан бирикувчи от туркумидаги сўзлар.

$$N_j^{ps.1} = \{\text{кўйлак, кийим, ...}\}; j = 1 \dots n$$

PS_1 = дастлабки (ўз, денотатив) маъносида келган полисемантик сўз.

Масалан: *кўйлак ёқаси, кийим ёқаси*

$$PS_1 + V_j^{ps.}$$

$V_j^{ps.}$ = полисемантик сўзнинг дастлабки (ўз) маъноси билан бирикувчи феъл туркумидаги сўзлар.

$$V_j^{ps.} = \{\text{тикмоқ, очмоқ, узмоқ, ...}\}; j = 1 \dots n$$

Масалан: *ёқа очмоқ, ёқа тикмоқ*

$$Adj_j^{ps.} + PS_1$$

$Adj_j^{ps.}$ = полисемантик сўзнинг дастлабки (ўз) маъноси билан бирикувчи сифат туркумидаги сўзлар.

$$Adj_j^{ps.} = \{\text{кенг, тор, узун, калта ...}\}; j = 1 \dots n$$

Масалан: *кенг ёқа, тор ёқа*

Полисемантик сўз бошқа (кўчма, коннотатив) маъноларда келганда эса қуйидагича моделлаштирилади:

$$N_j^{ps.2} + PS_2$$

$N_j^{ps.2} + PS_2$ = полисемантик сўзнинг кўчма маънолари билан бирикувчи от туркумидаги сўзлар.

$$N_j^{ps.2} = \{\text{арик, кўл, ўлим, канал, кўча, йўл, ...}\}; j = 1 \dots n$$

PS_2 = полисемантик сўзнинг кўчма маънода қўлланишини ифодалайди.

Масалан: *арик ёқаси, кўл ёқаси, каналнинг ёқаси, кўча ёқаси, йўлнинг ёқаси, тепалик ёқаси*

Моделлаштириш табиий тилни қайта ишлашнинг асосий қуроли⁴⁸. Семантик анализатор учун омоним, полисемантик ва полифункционал сўзларни моделлаштиришда бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, сўз

⁴⁸Хамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. Монография. – GlobeEdit, 2020. – 253 б. – Б. 197.

